

Фиқҳ дарслари (227-дарс) Кусуф, хусуф ва истисқо намози ҳақида



19:00 / 20.04.2023 2492

عْمُجْلُ اُمَّمٍ يَلْصُبِي فُوسْكُلُ اَدْنَعْ
يَفْخُمُ ، اَلْفَنْ نْيَتَعْلَكَرِسْ اَنْلَاب
وْعَدَيْ مُثُ ، اَمَهِي فُهَّتَ اَرْقَ اَلْوَطْم
مَلْ نِإِوْ سْمْشَلِ اَيْلَجْنَتِي تَحْ
فُوسْخُلَكِ ، يَدَارُفُ اَوْلَصُ ، رُضْحَيِ
رَافْغَتْسَ اَوْ ءَاعْدُ اَقْسَتْسَلَ اَوْ
زَاجِ يَدَارُفُ اَوْلَصُ نِإِوْ . اَلْبْقَتْسُم
يَمْذُرُضْحَيِ اَلَوْ ، ءَادِرُبْلَقَيِ اَلَوْ

Қуёш тутилганда жуманинг имоми одамлар билан икки ракъат нафл намоз ўқийди. Иккисида қироатни махфий ва узоқ қилади. Сўнгра то қуёш очилиб кетгунча дуо қилади. Агар имом ҳозир бўлмаса, худди хусуфдаги каби, якка-якка ўқийдилар. Истисқо қиблага қараган ҳолда дуо ва истиғфордан иборатдир. Агар якка-якка намоз ўқисалар ҳам, жоиз. Имом ридосини ўгирмайди. Бунга зиммий ҳозир бўлмайди.

«Кусуф» сўзи қуёш тутилишига, «хусуф» сўзи ой тутилишига нисбатан ишлатилади. Амалда эса иккаласи бир-бирининг ўрнига алмаштириб ишлатилаверади.

«Истисқо» арабча сўз бўлиб, «серобчилик», «суғоришни талаб қилиш» деган маъноларни англатади. Одатда кутиб турилган сувнинг келиши кечикса, уни талаб қилишга истисқо дейилади.

Кусуф намози суннати муаккададир. Хусуф намози эса мандубдир. Бу намозларнинг шаръийлигига далиллар:

Аллоҳ таоло Фуссилат сурасида:

سَجَدُوا لَا وَالْقَمَرُ وَالشَّمْسُ وَالنَّهَارُ الْيَلْلَىءَ اِيَّتِهِ وَمَنْ

خَلَقَهُنَّ أَلَّذِي لِلَّهِ وَأَسْجَدُوا لِلْقَمَرِ وَلَا لِلشَّمْسِ

«Кечаю кундуз, қуёшу ой Унинг оят(белги)ларидандир. Бас, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманг. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинг», деган (37-оят).

لَاقْهُنْعُهُللا يَضَرَّةَرِيغْمُلارَنَعْ
 تَامَمْوَيْسْمُشلِتَفَسَكْنَا
 تَفَسَكْنَا سَانِلَاقَفُمِيَهَارْبِإِ
 هُللاُلُوسَرَلَاقَفَمِيَهَارْبِإِتْوَمَل
 نِإِ» مَلَسَوْهَيَلَعْهُللا يَلَص
 تَأَيَّنَمِنَاتَيَأَرَمَقْلَاوَسْمُشلَا
 دَحَأْتْوَمَلَنَافَسَكْنَيَالِهِللا
 أَمْوُمْتِيَأَرَأَذِإِفَهِتَأَيَحَلَالَو
 يَتَحَأْلَصَوَهُللا اُعْدَاف
 الِإِسْمَحُلُهَأَورَ يَلَجْنَت
 يَذْمَرْتَلَا

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Иброҳим вафот этган куни қуёш тутилди. Одамлар:

**«Иброҳимнинг вафоти туфайли тутилди», дедилар. Шунда
Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қуёш ва ой Аллоҳнинг оятларидан икки оятдир. Улар бирор
кишининг ўлими туфайли ҳам, ҳаёти туфайли ҳам тутилмайди.
Қачон уларни (бу ҳолда) кўрсангиз, то очилиб кетгунча намоз ўқинг
ва Аллоҳга дуо қилинг», дедилар».**

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Бу намозларни сафарда ҳам, ҳазарда ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам ўқииди. Қари кампирлар, ёш болалар ҳам жамоат билан ўқиса, яхши. Жума фарз бўладиган шахсларга бу намоз амр қилинган.

Бу икки намозда азон ва иқома йўқ. Жамоат «Намозга!» деб чақирилади. Жамоат бўлиб ёки ёлғиз ўқиса ҳам бўлади. Яхшиси – масжидда ўқиш.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.